



Фуқаролар йиғини тоифага қараб фарқланади

3-саҳифада

Ҳокимлар кредит ажратишга аралашмайди

5-саҳифада

ҲАМҚОРЛИК

«Аусбилдунг» – Германиядаги касб-хунар таълими тизими (маҳаллий коллежларга ўхшаш) ишчи мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилган. Бутун ўқув жараёни талабаларга имкон қадар кўпроқ амалий кўникмаларни берадиган тарзда тузилган. Шунинг учун ўрганиш амалда корхонада амалга оширилади.

Бу «дуал тизим» деб ҳам аталади: талаба корхонага ишга жойлашади ва шу билан бирга, у таълим олиши ҳақида шартнома имзолайди. У ўқиши керак бўлган аниқ модуллар ва буни амалга ошириш муддати кўрсатилади. Бундан ташқари, талаба вақтининг 70-80 фоизини иш жойида ўтказиши, касбни бевосита амалиётда ўрганади ва ҳафтасига 1-2 кун ўзи назария, шунингдек, умумтаълим фанларини ўрганадиган касб-хунар мактабида машғулотларга боради.

Амалиёт ўқитиш ихтисослиги ва дастурнинг мураккаблигига қараб 1-4 йил давом этади. Корхонада бажариладиган вазифаларнинг мураккаблиги вақт ўтиши билан ортади, стипендия мутаносиб равишда ошади. Тренинг охирида талаба ёш мутахассис даромадининг 75 фоизига тенг стипендия олиши мумкин.



Касб-хунар эгаллашда Германия тажрибаси қўлланилади

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Бехзод Мусаев Германиянинг Тюрингия федерал ери Иқтисодиёт, илм-фан, рақамли технологиялар вазири Волфганг Тифензее билан учрашди. Германия ва Ўзбекистон ўртасида меҳнат миграцияси, бандлик, касб-хунарга ўргатиш каби йўналишларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давоми 2-саҳифада.

Хитойда камбағалликка қандай барҳам берилган?



Аввал хабар берганимиздек, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ хуудларини ривожлантириш соҳаси бўйича Хитой тажрибасини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати делегацияси хизмат сафари билан Хитойда бўлди. Делегация аъзолари Хэбей, Ганьсу ва Юньнань провинциялари ва шаҳарларида бўлиб, ушбу соҳаларда амалга оширилаётган амалий ишлар билан яқиндан танишди.

Делегациянинг ташрифи давомида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида туризм, савдо, қишлоқ хўжалиги, гул етиштириш, ўсимликлардан табиий доривор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ташкил этилган лойиҳаларни кўздан кечирдилар. Хитой провинцияларининг тажрибасидан фойдаланиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Давоми 2-3-саҳифаларда.

Барча турдаги ижтимоий хизматлар ҳар бир оила аъзосига индивидуал ижтимоий режа орқали кўрсатилади

Оилаларни ўрганиш асосида аниқланган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, уларга тизимли зарур ёрдамларни кўрсатиш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори ҳамжиҳатликда ҳар бир эҳтиёжманд оиланинг индивидуал ижтимоий режасини ишлаб чиқади. Мазкур тизим асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни камбағалликдан чиқариш, оила аъзоларининг барча йўналишдаги муаммоларини ҳал этишга қўмаклашиш каби аниқ вазифалар бажарилади.

4-саҳифа.

«Маҳалла бюджети»: илк тажриба қандай самара беряпти?



Ҳар бир маҳалла раиси солиқ йиғишнинг ақлли тизими ўрнатилган электрон қурилмаларга эга. Бу орқали улар маҳалладаги фуқароларнинг мол-мулк ва ер солиғидан қарздорлиги бор ёки йўқлигини кўриши мумкин.

5-саҳифа.

Бугунги сонда:

Ҳоким ёрдамчисидан қандай кўмак олиш мумкин?



Маҳаллани мебель билан ким таъминлайди?



«Бўш вақтимда киракашлик қилсам бўладими?»



«Туризм маҳалласи» мақомининг қандай талаб ва шартлари бор?



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг!

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@xolis_nazar @xolis_nazar @xolisnazar @xolisnazar

ҲАМКОРЛИК

Касб-хунар эгаллашда Германия тажрибаси қўлланилади



Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазир Беҳзод Мусаев Германиянинг Тюрингия федерал ери Иқтисодиёт, илм-фан, рақамли технологиялар вазир Волфганг Тифензее билан учрашди. Германия ва Ўзбекистон ўртасида меҳнат миграцияси, бандлик, касб-хунарга ўргатиш каби йўналишларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Эрфурт касбий таълим маркази ўртасида келишув имзоланди. Унга кўра, ўзбекистонлик касб-хунар ўрганувчилар 4 та йўналиш (*асбобсоз чилангар, техник-мехатроник, бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини соловчис, тикланадиган энергия ускуналарини соловчи техник*) бўйича Европа стандартлари асосида ўқитилади. «Ишга марҳамат» мономарказларида немис тилини ўқитиш курслари ташкил этилади.

Германиянинг Эрфурт касбий таълим маркази директори Франк Белкнер бошчилигидаги ишчи гуруҳ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Тошкент шаҳри Олмазор туманида жойлашган касб-хунарга ўқитиш марказига ташир буурди.

Германиялик мутахассислар касб-хунарга ўқитиш марказининг фаолияти ва ундаги шарт-шароитлар билан танишди. «Ўзбекистон – Германия касбга ўқитиш марказини ташкил этишга оид келишув юзасидан музокаралар олиб борилди.

Немис тажрибаси нимаси билан аҳамиятли?

Айтиш керакки, аксарият МДХ давлатларида мактаб ўқув дастури ҳамма учун бир хил, барча ўқувчилар бир хил фанлардан таълим олади. Коллежга борганлар 9-синфдан кейин мактабдан ташлаб кетишади. Германияда эса ҳар хил турдаги мактабларда таълим жараёни турлича тузилган ва келажакдаги таълим олиш билан боғлиқ. Бу ерда кейинги таълимга тайёргарлик мактабдан бошланади. Куйи синфларни тугатгандан сўнг, болалар ўз имкониятларига кўра ҳар хил турдаги мактабларга жойлаштирилади. Қайси турдаги мактабни тугатганига қараб, ўсмир кейинчалик ўрта касб-хунар ёки олий ўқув юртига кириши мумкин.

«Аусбилдунг» – Германиядаги касб-хунар таълими тизими (маҳаллий коллежларга ўхшаш) ишчи мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга қаратилган. Бутун ўқув жараёни талабаларга имкон қадар кўпроқ амалий кўникмаларни берадиган тарзда тузилган. Шунинг учун ўрганиш амалда корхонада амалга оширилади.

Бу «дуал тизим» деб ҳам аталади: талаба корхонага ишга жойлашади ва шу билан бирга, у таълим олиши ҳақида шартнома

имзолайди. У ўтиши керак бўлган аниқ модуллар ва буни амалга ошириш муддати кўрсатилган. Бундан ташқари, талаба вақтининг 70-80 фоизини иш жойида ўтказиши керак, қолганини амалиётда ўрганиши керак. 1-2 кун ўзи назария, шунингдек, умумтаълим фанларини ўрганидиган касб-хунар мактабида машғулотларга боради.

Амалиёт ўқитиш ихтисослиги ва дастурнинг мураккаблигига қараб 1-4 йил давом этади. Корхонада бажариладиган вазифаларнинг мураккаблиги вақт ўтиши билан ортади, стипендия мутаносиб равишда ошади. Тренинг охирида талаба ёш мутахассис даромадининг 75 фоизига тенг стипендия олиши мумкин.

Шундай қилиб, ёш мутахассисларнинг асосий муаммолари ҳал этилади: амалиётнинг етишмаслиги ва у билан боғлиқ бандлик муаммолари. Таълим муассасаси деворидан иш тажрибасига эга тайёр мутахассис чиқади, бундан ташқари, унинг ўқув режаларига кўп маблағ сарфлаган корхона кўп ҳолларда уни ишлашда олиб қолади.

Германияда ўрта касб-хунар маълумоти эга бўлган мутахассислар орасида ишсизлик тахминан 4 фоизни ташкил қилади. Бу паст кўрсаткич. Чет элдан келган талабалар учун ўқишни тугатгандан сўнг дарҳол иш бошлаш имконияти, айниқса, муҳимдир. Бироқ яшаш учун рухсатномада ўқишни тугатгандан сўнг, баъзан бир йилгача иш қидириш учун кўшимча муддат кўзда тутилган.

Германия касб-хунар таълими тизимида тўрт юзга яқин мутахассисликлар мавжуд. Улар орасида энг кўп талаб қилинадиган касблар – офис ходими, сотувчи, электромонтёр, автомобиль механик, чилангар. Уй хўжалиги ва қарияларга ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ касблар камроқ бўлади. Шунга кўра, камроқ машҳур бўлган мутахассисликка кириш осонроқ.

Хориждан келган абитуриентлар учун касб танлаш чегараланади. Гап шундаки, касб-хунар мактабига кириш, яшаш, рухсатнома олиш учун бандлик хизматига мурожаат қилишингиз керак. Танланган мутахассислик маҳаллий ёшларга манзур бўлмас ва унда талаба кам бўлсагина ўқишга рухсат берилади. Шунинг учун хорижлик талабанинг Германияда олий маълумот олиши анча истиқболли.

С.ИСМАТОВ.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Хитойда камбағалликка



Энг камбағал қишлоқда ҳам экспортбоп маҳсулот бор

Ташриф доирасида делегация аъзолари Ганьсу провинциясида бўлди.

Ганьсу — Хитойнинг энг камбағал ҳудудларидан бири. Ҳудуд аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича энг охириги ўринни эгаллайди. Провинциянинг энг қашшоқ қишлоқлари Динси, Луннан, Ганнан ва Линся ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдонлари кам бўлгани учун шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги турмуш тарзи кескин фарқ қилади. Провинция, асосан, картошка ва доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда уни қайта ишлашга ихтисослашган.

Делегация аъзолари Динси қишлоғидаги картошка уруғчилик саноат парки фаолияти билан танишди. Мазкур қишлоқда «Динси Хенюан» корхонаси томонидан аҳоли билан кооперация асосида картошка етиштириш ва уни қайта ишлаб, йиллик 30 минг тонна крахмал ва картошка қолдиқларидан 10 минг тонна чорва моллари учун озуқа ҳамда крахмалдан 20 дан ортиқ турдаги қадокланган (*қуртилган ва ҳўл лапша, печенье, зуруч, ёсурт ва ҳ.к*) тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунги кунда 1 200 дан ортиқ оилалар ушбу саноат парки учун кооперация асосида картошка етиштириб,



йиллик ўртача 4 минг юандан даромад топмоқда. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар АҚШ, Япония, Сингапур ва бошқа ривожланган давлатларга экспорт қилинмоқда.

Қишлоқда қалови топилмаган юмушлар йўқ

Вейюан уезидаги Хоусзяси қишлоғи 2014 йилда ташкил этилган. Бу ҳудудга бориш қийин бўлган жойлардан 668 та камбағал оилалар кўчириб келинган. Ўзбекистон Ҳукумати делегацияси аъзолари ушбу қишлоқда амалга оширилган ишлар ва аҳоли хонадонлари билан танишди.

Бу ерда аҳоли гулчилик, доривор ўсимликлар, картошка, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади ва уларни қайта ишлайди. Шу ўринда бир савол туғилиши табиий: кучириб келинган аҳоли деҳқончиликнинг сир-асрорларини қаердан билади? Ҳукумат бунинг ҳам қаловини топган. Аҳоли деҳқончилик далада тинган паллада жалб қилинган илмий тадқиқот институтлари мутахассис-олимлари томонидан экин экиш, парвариш, ерлардан самарали фойдаланиш бўйича таълим олади.

Қишлоқ қирлардан иборат бўлгани учун ер майдони зинапоя шаклда текисланиб, экин экишга мослаштирилган. Экинларни томчилаб ва ёмғирлатиб

сўғориш йўлга қўйилган. Давлат томонидан куриб берилган 8 сотихдан 35 та гулчиликка ихтисослашган иссиқхоналар 104 та камбағал оиллага текинга фойдаланиш ҳуқуқи билан ижара асосида берилган. Иссиқхоналар мажмуасини оилалар бирлашган ҳолда кооперация асосида бошқаради.

10 йилда 10 баробардан кўп даромад

Си Цзиньпин ташаббуси билан 2013 йилда ташкил этилган Юангудуй туристик қишлоғи Вейюан уезида жойлашган. Ўзбекистонлик делегация вакиллари қишлоқнинг 10 йил олдинги ва бугунги ҳолати, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи акс эттирилган видео ва фотолавҳалар ҳамда экспонатлар кўргазмаси билан танишди.

Давлат раҳбари 10 йил аввал бу ерга келганида қишлоқ харобазор бўлган. Бу таширдан сўнг 469 та ўта камбағал оилалар (*аҳолиси 1 891 нафар*)дан 338 тасининг уй-жойлари таъмирлаб берилган. 130 тасига янги намунавий уй-жойлар ва барча инфратузилма объектлари куриб берилган. Табиий газ бўлмаса-да, аҳолига киши мавсуми учун бир тоннадан кўмир бепул берилди. Ушбу қишлоқ аҳолисининг даромади деҳқончилик ва туризм орқали 2012 йилдаги ўртача 920 юандан 2022-йилда 13,8 минг юанга ошган.

ТАШАББУС



Талаба ёшлар иш қидириб сарсон бўлмайди



«Mahalla» газетасининг жорий йил 15 апрелдаги сонидида «Иш бевувиликка имтиёз берилса... талабалар сарсон бўлмай иш топади» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари талабаларини мутахассислик бўйича ишлашига имконият яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасига тахририят жамоаси қўйидаги таклифини билдирганди:

«Бу – зўр янгилик. Қарор амалга татбиқ этилиши натижасида янги иш ўринлари яратишга эҳтиёж пайдо бўлиши табиий. Шу боис ушбу тартибни самарали ишлаши ва ижобий натижа бериши учун қўйидаги таклифни билдиришни лозим топдик. Яъни талабаларни иккинчи курсдан бошлаб ишлаши учун уларни иш билан таъминлайдиган иш бевувиликка турли имтиёзлар тақдим этилиши янги иш ўринлари пайдо бўлишига хизмат қилади. Масалан, 2-курс битирувчисини ишга қабул қилган корхона ва ташиқлотлар, хусусий секторларга солиқ имтиёзлари, субсидиялар бериш йўлга қўйилса, натижа янада самарали бўлади.»

Маълумот учун айтиб ўтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига кўра, олий таълим муассасалари талабаларини иккинчи курсдан (*айрим таълим йўналишларида иккинчи курсдан кейинги курслардан*) бошлаб, олий таълим муассасаси раҳбари томонидан берилган сертификат асосида мутахассислик бўйича ўқишдан бўш вақтида ишлашга рухсат этилиши назарда тутилмоқда.

Кўпчиликда бу қарор ижобий фикр уйғотди. Фақат бўш иш ўринининг ўзи йўқ бўлса, 2-курс талабаларини ким ишга қабул қилади, деган савол пайдо бўлди. Юқоридаги мақолада берилган таклиф

айнан мана шу саволга жавоб сифатида тақдим этилган.

Кувонарлиси, жорий йил 26 апрель кунини қабул қилинган «Ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида айни шу жиҳатлар қамраб олингани барчамизни хурсанд қилди.

Фармонга кўра, 2023 йил 1 майдан 2025 йил 1 январга қадар иш бевувиликка (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капиталида) давлат улushi 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз

ставкада тўловчилар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилди. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар 6 ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шартли билан еттинчи ойдан бошлаб қоплаб берилди.

2-курс талабалари ҳам 25 ёшгача бўлганлар тоифасида эканини ҳисобга олсак, ушбу фармон билан Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори амалга ошиши учун ажойиб имконият яратилди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

ЖАМИЯТ

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЖАРАЁН

Қандай барҳам берилган?



Ўзбек талабалари билан суҳбат

Ўзбекистон Ҳукумати делегацияси камбағалликни қисқартириш, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида қатор халқаро келишувларни амалга оширмоқда. Ҳукумат делегацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Қўчқоров, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Беҳзод Мусаев бошчилигидаги вазирилик ишчи гуруҳи вакиллари Хитой Халқ Республикасининг Гансу провинцияси губернатори Жен Чженже билан музокаралар олиб борди. Мазкур учрашувда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан бир қатор келишувга эришилди.

Делегация аъзолари музокаралардан сўнг Ланчжоу шаҳрида таҳсил олаётган 20 нафарга яқин ўзбекистонлик талабалар билан давра суҳбати уюштирди.

Кредитлар кимга ва қандай тартибда берилди?

Маълумки, Хитойда 2012 йилдан камбағалликни қисқартириш борасида катта ислохот бошланган. Аҳолининг даромад топиши учун бошланғич маблағ ажратилиши мамлакатда камбағалликни қисқартиришда асосий омиллардан бири саналади.

Жумладан, бир камбағал оилага бюджет маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар 50 минг юан, яъни 7 минг АҚШ долларини ташкил қилган. Мазкур маблағлар 3 йилга фоизсиз ва гаровсиз берилган. Кредитлаш 3 босқичда амалга оширилган. Дастлаб 2012-2015 йилларда камбағалларга кредитлар фақатгина Хитой Агроекономика банк томонидан ажратилган. Ҳукумат ва банк биргаликда иш олиб борган ва 375 минг оила кредит билан қамраб олинган. Аммо ана шу кредитларнинг 2,7 фоизи «умидсиз» кредитларга айланиб, давлат томонидан тўлиқ қоплаб берилган.

2015 йилдан 4 та банк жалб этилган ҳамда уларга ҳудудлар бириктириб берилган. Ўзига хос мезон асосида аниқлаб олинган камбағал оилаларга кредитларни манзилли ажратиш амалиёти йўлга қўйилган. Бу орқали 1 млн. оила қамраб олинган.



2020 йилдан бошлаб, камбағалликдан чиқарилган оилаларга тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун кредитлар ажратилмоқда. Бу мониторинг жараёнида қутулган натижага эриша олмаётган оилалар аниқланган тақдирда, уларга тегишли соҳа мутахассислари ва олимлар жалб этилади.

Субсидиялар, асосан, камбағал аҳолини иш билан таъминлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун ҳамда ва фуқароларга ўй хўжалигида даромадли меҳнат билан шуғуллангани учун ажратилади. Мисол учун, у томорқадан даромад олиш учун экин экканларга, уйда 3 бошдан ортиқ қорамол, 20 бошдан ортиқ қўй боқаяётган оилаларга берилган.

Маълумот учун, бугун дунёнинг аҳолиси энг кўп мамлакатлардан бирида камбағалликка бутунлай барҳам берилган.

БИЛАСИСМИ?

Ҳоким ёрдамчисидан қандай кўмак олиш мумкин?

➤ Маҳаллангиздаги мавжуд бўш иш ўринларини ва мавсумий ишчиларга бўлган талабни ҳоким ёрдамчилари аниқлайди. Агар сиз «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ёки «Ешлар дафтари»га киритилган бўлсангиз, биринчилар қаторида ишли бўлишингиз мумкин.

➤ Сизни хунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб қариш, хизмат кўрсатиш ёки бошқа турдаги оилавий фаолият тури қизиқтирмақда. Аммо бу фаолиятни йўлга қўйиш учун маблағингиз йўқ. Айна мана шу жараёнда ҳоким ёрдамчилари сизга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишга кўмаклашиши мумкин.

➤ Тадбиркорлик қилиш учун яшаш ҳудудингиздан узоқ бўлмаган жой қидириб топдингиз. Аммо маҳаллангиздаги ушбу мавжуд бўш бино ёки ер майдони давлат реестридан чиқарилмаган. Ушбу жойни белгиланган тартибда тадбиркорлик объектига айлантиришда ҳоким ёрдамчилари сизга асқотади.

➤ Яқиндагина мактабни тамомладингиз доимий даромад топишни истайсиз. Аммо ўз қизиқишингиз бўйича кўникма ёки малакангиз йўқ. Мана шу жойда ҳоким ёрдамчисининг сизга нафи тегади. Яъни у сизни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтири олади. Бунинг яқин томони шундаки, ўқишни тамомлаганингиздан сўнг у сизни бандлигингизни таъминлашга ёрдам беради.

➤ Фермер, деҳқон ёки томорқа ер эгасисиз. Аммо деҳқончилик ёки боғдорчилик қилиш учун маблағингиз етарли эмас. Мазкур ҳолатда ҳоким ёрдамчилари жонингизга оро кириши,

сизга фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан субсидия олишга кўмаклашиши мумкин.

➤ Қўли гул хунармандсиз, шогирд етиштирмақчисиз. Аммо хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлашга қийналяпсизми? Маҳаллангиздаги ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилинг! У сизга «Уста-шогирд» аъналари асосида ёшларга хунар ўргатиш учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда субсидия олишга кўмаклашиши мумкин.

➤ Ҳам тадбиркорлик қилмоқчисиз, ҳам хайр-савабни ишга бош қўшмоқчисиз. Аммо иш ўринлари ва шартларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун яқингина маблағ сарф қилиниши сабаб бироз иккиланиб турибсизми? Бунинг давлат реестридан чиқарилган ёрдамчиси ҳар бир мослаштирилган иш жойингиз учун сизга базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача субсидия ажратилишига кўмаклашиши мумкин.

➤ Уй бекассиз! Уйдан чиқмаган ҳолда гилам ёки ипак мато тўкимоқчисиз. Бироқ бунинг учун қаердан ва қайси пулга тўқини ускуналарини харид қилишни билмаяпсиз. Ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан қўлда гилам ва ипак мато тўқиш ускуналари харид қилишга сарфланган харажатларни қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача субсидия олишингиз мумкин.

Кувондик ҲАСАНОВ, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.

ТАЛҚИН

Солиғи тўланса бас, иш стажи муаммо эмас

– Давлат корхонасида ишлайман. Аёлим – уй бекаси. Қонунчиликда ишловчи фуқаролар ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ижтимоий солиқ тўласа, иш стажи қайд этилиши ҳақида ўқиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз. Умуман, қайси тоифадаги шахслар ижтимоий солиқни икхтиёрий равишда тўласа, иш стажи ҳисобланади?

Элбек ШАРИПОВ, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани.



Дилдора ҲОШИМОВА, Давлат солиқ қўмитаси масъул ходими:

– 2020 йил 1 январдан бошлаб, ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқ жорий этилган. Шунга кўра, айрим тоифадаги жисмоний шахслар меҳнат стажи ҳисобланиши учун йилига камида бир маротаба базавий ҳисоблаш миқдорига (ҳозирда 300 минг сўм, 1 майдан 330 минг сўм) ижтимоий солиқ тўласа, бир йиллик иш стажи ҳисобланади. Булар кимлар?

Ўзини ўзи банд қилган шахслар. Солиқ кодексининг 408-моддасига асосан, стажи ҳисобланиши учун ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳар йили камида БҲМнинг бир баравари миқдорига ижтимоий солиқ тўлайди. Ушбу сўмма тўлиғича Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва яқка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган тартибда пенсия ҳисоблаш учун базани шакллантиради. Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганда, уларга ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 677 000 сўм (2023 йил 1 апрель ҳолатига) тўланади. Агар зарур стаж етарли бўлмаса, давлат томонидан – 535 000 сўм тўлаб борилади.

Меҳнат мигрантлари. Меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан чет давлатларда

ташқил этилган (очилган) савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан, юридик шахс ташқил этмасдан), ташкилотларда ишлайётган мамлакатимиз фуқаролари агар уларга меҳнат стажи ёзилиши ва келгусида пенсия расмийлаштирилишини истаса, йилига бир марта икхтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин.

Ўй бекалари. Ишлайдиган эр (хотин) ишламайдиган турмуш ўртоғи учун ойлик даромадларидан Пенсия жамғармасига икхтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин. Мазкур тўловлар ҳисобига стаж йиғиб борилади ва келгусида пенсия имконияти яратилади. Бу шуни англатадики, аёллар рўзғор ишлари билан банд бўлаверишда, турмуш ўртоқлари улар учун солиқ тўлашади ва келгусида уй бекаси ҳам пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Томорқада банд бўлганлар. Ўзининг шахсий томорқа ер участкасида чорвачилик (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар), иссиқхона, паррандачилик (беда-на, курка, фоз, ўрдак), кўёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан йилига БҲМнинг камида бир баравари миқдорига ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Фуқаролар йиғини тоифага қараб фарқланади

– Маълумки, ҳудудлардаги шароитдан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, қайсидир маҳалла шаҳар марказида жойлашса, бошқаси олис ҳудудда ташқил этилган. Қолаверса, бир маҳаллада аҳоли сони бошқасидан фарқ қилади. Мана шу жиҳат қонуни назарда тутилганми?

Гулбарно ҒОҒУРОВА, Андижон туманидаги «Исломобод» маҳалласи раиси.

Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мутахассиси:

– Фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташқил этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида барча фуқаролар йиғинлари географик жойлашуви ва аҳоли сони бўйича тоифаларга ажратилади.

Унга кўра, географик жойлашуви бўйича шаҳарда, туман марказида, туман марказигача 30 км бўлган масофада, туман марказидан 30 км. ва ундан олис масофада, тоғли ва чўл ҳудудда, чегара (ёки анклав) ҳудудда жойлашган фуқаролар йиғинлари каби тоифаларга бўлинади. Ўз навбатида аҳоли сони бўйича фуқаролар йиғинлари 1000 нафаргача аҳолиси бўлган, 1001 дан 2000 нафаргача аҳолиси бўлган, 2001 дан 4000 нафаргача аҳолиси бўлган, 4001 дан 6000 нафаргача аҳолиси бўлган, 6001 дан 8000 нафаргача аҳолиси бўлган, 8000 нафардан зиёд аҳолиси бўлган маҳаллаларга ажратилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа имтиёзлар тақдим этишда ҳам фуқаролар йиғини тоифасига қаралади.

Масалан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, ҳудудда хонадонлар сони мингта ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғини раисларининг ойлик лавозим маошлари 35 фоизга оширилади.

ЖАРАЁН

«Хонадонбай» хатловда даромад ҳисобга олинади

Белгиланган тартибга кўра, биринчи тоифадан кам таъминланган, эҳтиёжманд ва даромади паст хонадонлар ўрин олади. «Ягона ижтимоий ҳимоя реестри»га киритилган ҳамда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси иштирокида тегишли далолатнома билан даромади камбағал даражасидан паст, деб топилган оилалар автоматик равишда 1-тоифада бўлади.

Реестрга киритилмаган, бироқ яшаш шароити оғир бўлган хонадонлар, шунингдек, «Темир дафтар»даги ҳамда аъзолари «Аёллар дафтари», «Ешлар дафтари»га киритилган хонадонларни 1-тоифага ўтказиш маҳалла тўртлиги қарори билан ҳал этилади ва тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Бу ҳолатда хонадон аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган ўртача

ойлик даромадлари миқдори минимал истеъмол харажатларидан, яъни 498 минг сўмдан юқори бўлмаслиги лозим.

Мисол учун, 5 киши истиқомат қиладиган хонадон аъзоларининг барча манбалардан оладиган ўртача ойлик расмий ва норасмий даромадларининг умумий миқдори 2,5 миллион сўмдан юқори бўлмаслиги керак.

Иккинчи тоифага хонадон аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромадлари миқдори минимал истеъмол харажатларининг 1 баробаридан 3 баробаригача, яъни 498 минг сўмдан 1,5 миллион сўмгача бўлган хонадонлар киритилади.

Мисол учун, 5 киши истиқомат қиладиган хонадон аъзоларининг барча манбалардан оладиган ўртача ойлик расмий ва норасмий даромадларининг умумий миқдори 2,5 миллион сўмдан 7,5 миллион сўмгача бўлиши лозим.

Бунда хонадоннинг норасмий даромадлари миқдорини аниқлашда

уларнинг яшаш шароити, ўзига тегишли, бироқ бошқа шахслар номига расмийлаштирилган кўчмас мулклари, енгил ва юк автомобиллари, боғ ва ер майдонлари, миграция ҳисобига оладиган даромадлари ҳамда бошқа сабаблар ҳисобга олинади.

Учинчи тоифага яшаш шароити яқши, ўзига тўқ хонадон аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромадлари миқдори минимал истеъмол харажатларининг 3 баробаридан, яъни 1,5 миллион сўмдан ортиқ бўлган хонадонлар киритилади.

Мисол учун, 5 киши истиқомат қиладиган хонадон аъзоларининг барча манбалардан оладиган ўртача ойлик расмий ва норасмий даромадларининг умумий миқдори 7,5 миллион сўмдан ортиқ бўлиши лозим.

Шерзодбек ОТАЖОНОВ, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мутахассиси.

БАНДЛИК

«Дастлабки синовсиз ишга қабул қилиш мумкин, агар...»

– Мен 2022 йилда олий ўқув юртини тамомлаганман. Ҳозирда фарзанд тарбияси билан бандман. Келгуси йилдан ишга чиқмоқчиман. Айтингчи, дастлабки синовсиз ишга қабул қилинишим мумкинми?

Шохсанам НАЖМИДДИНОВА, Чилонзор тумани «Кўтарма» маҳалласи.



Жаҳонгир ҚҰНФИРОВА, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг ҳуқуқ инспектори:

– Дастлабки синовдан ўтиш меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши керак. Бундай шартлашув мавжуд бўлмаган тақдирда, ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган, деб ҳисобланади.

Қуйидагилар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди:

- ҳомиладор аёл, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёл ёки уч ёшга тўлмаган болани ёлғиз ўзи тарбиялаётган ота (васий);
 - захирага қўйилмаган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун юборилган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахслар;
 - давлат грантлари асосида ўқиган ва олий таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан уч ой ичида йўлланма бўйича олинган мутахассислигига доир ишга қираётган олий таълим ташкилотларининг битирувчилари;
 - тегишли таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан бир йил ичида биринчи бор ишга қираётганда олинган мутахассислиги бўйича мустақил равишда ишга жойлашган умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг битирувчилари;
 - ўзи билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилаётган ходимлар;
 - ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;
 - ишга қайтадан қабул қилинган тақдирда иш берувчи илгари қайси ходимлар билан меҳнат шартномасини алоҳида асослар бўйича бекор қилган бўлса, уша шахслар;
 - ишлаб чиқаришда ўқитиш шартномаси бўйича ушбу иш берувчида ўқишни ўтаган ўқувчилар;
 - жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида ва иш берувчининг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ходимлар.
- Дастлабки синов фақат ходимни ишга қабул қилиш чоғида белгиланиши мумкин. Ходим бошқа ишга ўтказилаётганда ва бошқа иш берувчига хизмат сафарига юборилганда дастлабки синов белгиланишига йўл қўйилмайди.



Ра'но ТУРДИБОЕВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосари.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ – АМАЛДА

Барча турдаги ижтимоий хизматлар ҳар бир оила аъзосига индивидуал ижтимоий режа орқали кўрсатилади

Мамлакатимизда «Инсон қадр учун» тамойили асосида ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш даражасига эришишини таъминлаш, ижтимоий тафовутни юмшатиш, муҳтожларга манзилли ва мақсадли ёрдам бериш каби ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда самарали қўлланилмоқда.

Бу ҳақда сўз кетганда, турли ижтимоий дастурлар амалиётга татбиқ этилди, оилалар, хотин-қизлар ҳамда ёшларни манзилли ва мақсадли қўллаб-қувватлашнинг ноёб тизими – «Темир دفتر», «Аёллар دفتر» ва «Ёшлар دفتر» механизми жорий этилди. Ижтимоий دفترлар киритилиб, мақсадли ёрдамлардан баҳраманд бўлган фуқароларнинг ҳаёт даражаси ижобий томонга ўзгармоқда, бу ўз навбатида ижтимоий давлатнинг аҳамияти ва ҳаётий кўринишини амалда намоён этаётган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган ҳар бир вазифа замирида аҳолининг фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар ҳамда қулайликларни яратиш мужассамдир.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат дастурида белгиланган оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган ишсиз хотин-қизларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-хунарларга ўқитиш бўйича аниқ манзилли амалий ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, жорий йилда худудлар кесимида шундай тоифадаги 75 минг нафар ишсиз хотин-қизнинг манзилли рўйхатлари шакллантирилди. Уларни ўз қизиқишлари ҳамда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос «драйвер»идан келиб чиқиб, йил давомида босқичма-босқич касб-хунарларга ўқитиш ишлари амалга оширилади.

Бугунги кунга қадар юқоридagi аёллардан 5 691 нафари «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқи-

тиш марказларида ўқитилди, 2 919 нафарининг бандлиги таъминланди. Шу билан бирга, касб-хунарга ўқитилган, муайян малакага эга бўлган хотин-қизлар тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиши орқали субсидия ва имтиёзли кредитлардан фойдаланишмоқда.

Яна бир муҳим масала – маҳаллаларда ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш ишларини комплекс ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан «оилабай» ишлаш, кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг сони ва сифатини ошириш, бунга жавобгар бўлган вазирлик ва идораларнинг масъулиятини кучайтириш – вазирлик олдидаги муҳим вазифалардан бири саналади.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги «Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини таъкидлаш ўринли. Ҳужжатга мувофиқ, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари зиммасига оилаларга комплекс ижтимоий хизматларни ташкил этиш, ушбу жараёнда уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш, тегишли хизмат кўрсатишга кўмаклашиш ва белгиланган хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш каби масъулиятли вазифалар юклатилган.

Бугунги кунда хотин-қизлар фаоллари томонидан оилаларга 80 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда. Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни самарали ташкил

этиш мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, ушбу жараённинг муваффақияти нафақат хотин-қизлар фаолларига, балки 20 га яқин ижтимоий хизматларни кўрсатишга масъул ташкилотларга ҳам боғлиқдир. Чунки оилаларда аниқланган муаммолар уларни ҳал этишга масъул ва ваколатли ташкилотларга йўналтириб борилади.

Оилаларни ўрганиш асосида аниқланган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, уларга тизимли зарур ёрдамларни кўрсатиш мақсадида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори ҳамжиҳатликда ҳар бир эҳтиёжманд оиланинг индивидуал ижтимоий режасини ишлаб чиқарилади. Мазкур тизим асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни камбағалликдан чиқариш, оила аъзоларининг барча йўналишдаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш каби аниқ вазифалар бажарилади.

Индивидуал ижтимоий режа орқали оила аъзоларига барча турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилади, ушбу жараёнда кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар самарадорлиги ўрганиб борилади, оиланинг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш каби муҳим ҳаётий масалаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Умуман олганда, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги юқоридagi масалалар ечимида, шунингдек, маҳаллаларда ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, нотинч оилалар билан ишлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш жараёнида маҳаллалардаги «бешлик» – йигин раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаб, уларнинг ҳамжиҳатликда, ҳамфикр бўлиб иш олиб бориши учун амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Маҳаллани мебель билан ким таъминлайди?

– 2022 йилнинг август ойида ҳашар йўли билан янги маҳалла биноси куриб, фойдаланишга топширилди. Очиги, янги бинонинг қурилиши жуда оғир кечди. Маҳалладаги масъуллар катта меҳнат қилди. Ҳозир бинода барча шароитлар мавжуд бўлса-да, мажлислар залида мебеллар йўқ. Масалала ечим излаб, туман ҳокими номига бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин натижа бўлмади. Ўзи аслида маҳаллани мебель билан таъминлаш тартиби қандай?

Зоҳид НОРҚУЛОВ, Пайариқ тумани «Бунёдкор» маҳалласи раиси.



Ибрат СОБИРОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мутахассиси:

– Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги тегишли қарорининг 12-бандида маҳалла комплексларини мебель, техника, бошқа ускуна ва инвентарь билан жиҳозлаш Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари, грантлар, кредитлар, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлари ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таъминланган бошқа маблағлар, шунингдек, инвесторлар рози бўлган тақдирда, уларнинг ўз қўйилмалари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 февралдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мажмуаларини ташкил этиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган манзилли дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган манзилли дастур асосида ҳам мебеллар билан таъминланадиз назарда тутилган.

Қолаверса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид» Давлат дастурининг 3-бандида Маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқиш белгиланган. Бунда хизмат биносида муаммоси бўлган 2 327 та маҳаллар учун хизмат биналарини қуриш, жиҳозлаш, замонавий ахборот-технологиялари билан таъминлаш назарда тутилган. Айтиш мумкин ушбу дастур лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ҳукумат томонидан тасдиқланиши кутуляпти. Агар тасдиқланса, юқоридagi маҳалла шу дастурга киритилган бўлса, муаммо ижобий ечим топади. Агар дастурга киритилмаган бўлса, «Маҳалла» фондига мурожаат қилиш мумкин.

ЖАМИЯТ

Кимлар кам таъминланган оила ҳисобланади?

– Турмуш ўртоғим маълум бир давлат ташкилотиди ишламайди. Ўзим эса ҳали «Ҳамширалик иши» мутахассислиги бўйича ўқийман. Қийналиб қолган вақтимизда маҳаллага бориб ёрдам пули олмақчи бўлдик. Аммо маҳалла раиси бундай ёрдам пуллари кам таъминланган оилаларга берилишини айтди. Биз ёш оила бўлсак, турмуш ўртоғим ҳам, мен ҳам давлат ташкилотиди ишласак, кам таъминланган оила ҳисобланмайми? Ўзи кимлар кам таъминланган оилалар ҳисобланади?

Шодиёна ЖАББОРОВА, Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани.

Дилшод АБДУҚОДИРОВ, ҳуқуқшунос:

– Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги тегишли қарори билан «Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий

ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланган.

Мазкур Низом асосида кам таъминланган оилалар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқланади ҳамда уларга 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш нафақаси, кам таъмин-

ланган оилаларга моддий ёрдам ҳамда ун ва қолипчи нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун ҳар ойлик пулли компенсация тайинланади ва тўланади.

Оилани кам таъминланган, деб эътироф этиш ва уларга болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамни тайинлаш шартларига кўра, ои-

ланин ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад миқдори 440 минг сўм қилиб белгиланган. Шунга кўра, бугунги кунда кам таъминланган оилаларнинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган даромад миқдори 440 минг сўмдан кам бўлса, деб топилди. Яни даромади ана шу миқдордан ошмаган оилаларга нафақа тайинланади.

Ҳокимлар кредит ажратишга аралашмайди

— Фаолиятимда дастурлар доирасида аввал кредит олиб, ундан самарали фойдаланган фуқаролар тадбиркорлигини кенгайтириш мақсадида тақдирдан кредит олиш учун қайта мурожаат қилади. Энг муҳими, улар кредит тўловларини ўз вақтида тўлаган бўлади. Мана шундай фуқароларга ушбу имкониятдан тақдирдан фойдаланишга рухсат бериладими?

Ўғиллой ҲАМДАМОВА,
Жалақудуқ туманидаги «Ерқишлоқ» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратишни тақдирдан фойдаланиш ҳамда аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан айтиш мумкин, тақдирдан фойдаланиш имконияти тақдим этилмоқда. Унга кўра, дастурлар доирасида аввал олган кредитдан самарали фойдаланиб, тадбиркорлигини йўлга қўйган ва кредит тўловларини ўз вақтида тўлаган кичик тадбиркорларга фаолиятини янада кенгайтириши учун ушбу имкониятдан тақдирдан фойдаланишга рухсат берилади.

Қолаверса, қарорда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 13 триллион сўм ажратилади. Оилавий дастурлар бўйича кредитларни йиллик 14 фоиз ставкада ажратиб тартиби сақлаб қолинади. Ҳоким ёрдамчилари ташаббуси билан баъзи тадбиркорларга 50 миллион сўмгача кредит-

лар гаровсиз тақдим этилади. Шунингдек, биринчи навбатда дастурга мувофиқ, аввал кредитлардан фойдаланмаган аҳоли ва тадбиркорларга тақсимлаш белгилаб қўйилди.

Ҳокимлар деҳқонларга ердан унумли фойдаланишга ва «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида маҳсулотлар етиштиришга ва уларни ўз бозорини топишга кўмаклашади. «Маркетплейс» тизими «Е-актив» ахборот тизими билан интеграция қилинади. Ушбу маҳсулотларнинг нархлари кўрсатилган хизматлар ва бошқа омиллар ҳисобига ички бозор нархларига қараганда асоссиз ошиб кетмаслигини Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ўз назоратига олади.

Энг асосийси, эндиликда ҳоким ёрдамчиларнинг кредит ажратиш бўйича тавсия беришига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг аралашувига йўл қўйилмайди.



Санжарбек
УСМОНОВ,
Фарғона вилояти
маҳаллабай ишшла
ва тадбиркорликни
ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи:



«Маҳалла бюджети»: илк тажриба қандай самара беряпти?

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
УРГУТ ТУМАНИ МИСОЛИДА



Давлат раҳбарининг 2022 йил 26 декабрдаги «Маҳалла бюджети» тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, жорий йилда республикамиздаги 14 туман ва шаҳарда тажриба тариқасида «маҳалла бюджети» тизимини жорий этилди. Бунда жисмоний шахслардан олинган маълум турдаги солиқлар ҳудуднинг ўзида қолдирилади ва аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилади.

Қарор ижроси доирасида Самарқанд вилоятида Ургут тумани танланиб, янги тизим тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Ургут тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Обид Сувоновнинг қайд этишича, янги тизим асосида маҳалла аҳолиси тўлаётган мол-мулк ва ер солиғининг маълум қисми маҳалланинг ўзига қайтариб берилгач, бу маблағ фуқаролар йиғини томонидан аҳоли билан келишган ҳолда энг муҳим муммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Бунинг учун давлат дастурларини ёки бошқа режаларни кўтиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Яъни «Маҳалла бюджети» тизимида ҳар бир маҳалланинг ўзи учун алоҳида ҳисоб-рақами очилади ва ундирилган солиқ миқдорининг 10 фоизи ушбу ҳисоб-рақамга ўтказиб берилади.

Тизим асосида шакллантирилган маблағлар фуқаролар йиғини кенгаши томонидан бошқарилади. Демак, маблағ маҳалла ихтиёрида қолади, фақат маҳалла раислари шакллантирилган маблағларни туман ҳокимлиги, туман молия ва иқтисодиёт бўлими билан келишган ҳолда сарфлайди.

Бу тажрибада фақат жисмоний шахслардан олинган мол-мулк ва ер солиқлари назарда тутилган. Нотуражойлар бўйича ундирилган мол-мулк ва ер солиғидан тушган маблағлар маҳаллаларга қайтарилмайди. Ушбу тизимнинг яна бир аҳамиятли томони — бунда солиқ инспектори аввалгидай хонадонларга бормайди. Ҳар бир маҳалла раиси солиқ йиғинининг ақлли тизими ўрнатилган электрон қурилмаларга эга. Маҳалла раисларининг мобил телефон ва планшет қурилмалари «soliq.uz» иловасидаги «Менинг маҳаллам» иловасига уланган. Бу

орқали улар маҳалладаги фуқароларнинг мол-мулк ва ер солиғидан қарздорлиги бор ёки йўқлигини кўриши мумкин. Тўловларни ҳам фуқаро учун қайси шакл қулай бўлса, ўша тизимда нақд пулда, банк картаси ёки электрон шаклда «soliq.uz» мобил иловаси орқали амалга ошириш имконияти мавжуд.

Янги тизим йилнинг дастлабки ойлариданоқ ўз самарасини кўрсатмоқда. Таҳлилларга кўра, туман миқёсида ўтган йил 15 апрелга қадар жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи тушуми 3 миллиард 348 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг мос даврида 7 миллиард 897 миллион сўмдан ошди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили мол-мулк ва ер солиғидан тушган маблағлар туман бюджетининг ўзида қолдирилган. Янги тизим тарғиботи ва самарасида кўрсаткичлар ўтган йил билан солиштирилганда 314 фоизга ошган. Шундай бўлса-да, ҳозир кўпчиликни солиқлар туманининг ихтиёрида қолса, фуқароларни қийнаётган масалалар бўйича «Ташаббуси бюджет» («Опен бюджет») лойиҳасида иштирок этиш масаласи хавотир уйғотмоқда. Айтиш керакки, «Ташаббуси бюджет»да қатнашиш маҳаллаларнинг ихтиёрида қолаётган пул маблағларига таъсир ўтказмайди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ёки маҳалла фаоллари ўзлари учун долзарб, деб ҳисоблаган масала лойиҳасини «Опен бюджет»га киритиши ва шу бўйича овоз йиғиб лойиҳани ютиб олиши мумкин.

Маълумотларга кўра, ҳозирда тумандаги «Бунёдкор», «Мирзақишлоқ», «Алгар», «Жартепа», «Камонгарон», «Қуйитегана», «Мерганча», «Юқори Бешкапа», «Дўстлик» маҳаллалари солиқ тушуmlаридан фаол бўлмоқда. Мисол учун, «Дўстлик» маҳалласида 2023 йил учун 1 миллиард 565 миллион сўм солиқ ҳисобланган ва йилнинг ўтган тўрт ойида 356 миллион сўм мол-мулк ва ер солиғи ундирилди. Шу маблағ ҳисобидан 35 миллион сўм уларнинг ҳисоб-рақамига ўтказилади ва маҳалла фаоллари ўзларини қийнаётган масала ечимига маблағни йўналтириши мумкин.

Умуман олганда, янги тизим маҳалладаги энг муҳим муаммоларни биргаликда, ба-маслаҳат ҳал этиш имконини беради.

Ёлғиз оналар учун солиқ имтиёзи бор

— Маҳалламизда 2 нафар вояга етмаган фарзандини тарбиялаётган ёлғиз она истиқомат қилади. Айтишчи, унга солиқ соҳасида қандайдир имтиёз борми?

Ирода ҚАҲҲОРОВА,
Уйчи туманидаги «Зиёкор» маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Аббос РАҲИМОВ,
Тошкент вилояти солиқ бошқармаси жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бош инспектори:

— Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра, икки ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари (1 297 200 сўм) миқдоридан даромадлар бўйича солиқ солишдан озод этилади. Бу имтиёз ҳар бир бола учун ФХДБ органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади.

Содда тилда айтганим бўлса, масалан, шундай тоифадаги ёлғиз она, агар 1 миллион сўм ойлик олса, умуман даромад солиғи тўламайди. 1 297 200 сўм ойлик олса ҳам, даромад солиғидан озод этилади. Маош 1 297 200 сўмдан ортиқ бўл-

са, ойлигининг шу суммадан ортиқ қисмигагина даромад солиғи тўлайди, холос. Масалан, 2 млн. сўм ойлик олса, ойлигининг 1 297 200 сўмдан ортиқ қисмига, яъни 702 800 сўм учун даромад солиғи тўлайди.

Шунингдек, бу каби оналарнинг иқтидорли фарзандларини узлуксиз таълим олиши моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Улар тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган тоифага киради. Ташкилий штат тадбирлари муносабати билан контракт бўйича ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўша-тишга йўл қўйилмайди. Меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра, ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

Қолаверса, арзон уй-жой, ипотека кредитига уй-жой харид қилишда субсидия, нафақа ҳамда моддий ёрдам олишда устунликка эга.

БИЛАСИЗМИ?

ҲОМИЛАДОРЛИК НАФАҚАСИ ҚАНДАЙ ТўЛанади?

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридан берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинган ҳақиқий иш ҳақи ва жойидан, суғурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради.

Нафақаларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинган иш ҳақининг барча турлари, шу жумладан мазкур ойда иш ҳақи билан биргаликда тўланадиган ойлик мукофотлар уларнинг ҳақиқатда олинган вақти бўйича эмас, балки улар ҳисоблаб ёзилган вақт бў-

йича иш ҳақига қўшилади.

Ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

Сирожиддин Йўлдошев,
Китоб тумани Давлат хизматлари маркази катта мутахассиси.

ҲОЛАТ

WWW.UZMAHALLA.UZ

ҚУЛАЙЛИК

«Бўш вақтимда киракашлик қилсам бўладими?»

– Ўзим маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритаман. Шахсий автомашинам бор, ишдан бўш вақтимда киракашлик билан шуғулланмоқчиман. Бироқ бу иш билан шуғулланаётганлар тақсичилик фаолияти учун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишим кераклигини айтишди. Шу ҳақда маълумот берсангиз. Умуман, давлат ташкилотларида ишлайдиганлар бу фаолият билан шуғулланиш учун солиқ органидан рўйхатдан ўтиши мажбурийми?

Тоиржон ВАЙДУЛЛАЕВ, Чилонзор тумани «Бектўпи» маҳалласи ёшлар етакчиси.



Руслан РЎЗМЕТОВ,
Транспорт вазирлиги департамент бошлиғи:

– Дарҳақиқат, 2022 йил 7 июлдаги «Автотранспорт воситаларини бошқаришда ва йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида»ги Президент қарори билан тақсичилик фаолияти ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилди. Энди фуқаролар 2024 йил охирига қадар йўловчиларни ҳайдовчидан ташқари туртадан ортиқ бўлмаган ўриндикларга эга бўлган энгил автотранспорт воситаларида ташиш фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Айтиш керакки, қарор имзолангунга қадар 55 мингдан зиёд фуқаро такси фаолияти билан расмий равишда, деярли яна шунча фуқаро тегишли ҳужжатларсиз фаолият юртаётгани аниқланди. Биргина Тошкент шаҳрида 10 мингдан зиёд шахс расмий рўйхатдан ўтган бўлса, расмий ҳужжатсиз яна 30 мингга яқин фуқаронинг такси фаолияти билан ёки ишдан кейин ўзини ўзи банд қилиш, қўшимча даромад сифатида ишлайётганини кўриш мумкин. Бунга, асосан, энгил автомобилда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи ЯТТлар ойига

150 минг сўм солиқ, лицензия варақаси учун йилга 245 минг сўм давлат божи тўлаши сабаб бўлаётгани.

Эндиликда юқоридаги қарор билан ушбу фаолият лицензия варақасига асосан амалга оширилади. Лицензия варақасини беришда автобилнинг 10 йиллик эксплуатация даврига қўйилган талаб бекор қилинади, мажбурий тиббий ва техник кўрик бир йилда бир марта амалга оширилади. Лицензия варақаси берилгани учун давлат божи барча турдаги ташувчилардан йилга БХМнинг бир баравари (айни пайтда 300 минг сўм) миқдоридан ундирилади. Бунда давлат хизматларини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия варақаларида фаолият ҳудуди акс эттирилади. Ўзини ўзи банд қилган ташувчиларнинг автомобиль транспорт фуқаро тегишли «ТАХИ» таниш белгили тўқсариқ рангли фонарь ўрнатилди. Бошқа соҳаларда меҳнат шартномасига асосан банд бўлган шахслар бир вақтнинг ўзида такси фаолияти билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда шуғулланишлари мумкин. Бунда кунлик рейс олди техник кўрик, автотранспорт воситасини гаражда сақлаш талаблари фуқаронинг ўз жавобгарлигида қолади.

МЕНДА САВОЛ БОР...



29 апрель

Иш куни, деб белгиланмаган

– Рамазон ҳайити муносабати билан кетма-кет 4 кун (21-24 апрель) дам олиш кунлари эълон қилинди. Худди шундай, Наврўз байрамида кетма-кет беш кун таътил берилгач, мос равишда беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар иккита шанба куни ҳам ишлаб берганди. 2022 йил 23 декабрдаги «2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Президент фармонида 29 апрель – шанба кунидан 24 апрель – душанба кунига кўчирилиши қайд этилганди. Бироқ 24 апрель қўшимча дам олиш куни сифатида белгиланди. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

Ҳусниддин БОЗОРОВ, Деҳқонобод тумани «Оқиртма» маҳалласи раиси.

Сеvara ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати раҳбари:

– Қоида тариқасида ҳар йили келгуси йил учун қўшимча ишланмайдиган кунлар ва дам олиш кунларини кўчириш белгиланади. Тўғри таъкидлаганингиздек, дастлаб сиз қайд этган Президент фармон бўйича беш кунлик иш ҳафтасида ишловчилар учун 24 апрелдан 29 апрелга иш вақтини кўчириш назарда тутилганди. Бироқ давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 20 апрелдаги тегишли фармони билан ҳужжатга ўзгартириш киритилди. Унга қўра, 24 апрель кўчирилган иш кунидан қўшимча дам олиш кунига айлантирилди.

Яъни 24 апрелда дам олган беш кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар 29 апрелда ишлаб беришлари шарт бўлмайди. Шундай қилиб, 2023 йил 20 апрелдаги Президент фармони билан киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда:

1. Қўшимча ишланмайдиган кунлар:

– иш ҳафтасининг туридан қатъи назар: 2 январь ва 24 апрель кунларининг душанбаси (ҳозирги даврда аллақачон фойдаланилган), 30 июнь, жума;

– олти кунлик иш ҳафтасида ишловчи ходимлар учун: 3 январь сешанба, 20 март душанба, 22 март чоршанба, 22 апрель шанба (ҳозирги даврда фойдаланиб бўлинган); 1 июль, 2 сентябрь ва 30 декабрь кунларининг шанбаси.

2. Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларнинг кўчирилган дам олиш кунлари (ҳозирги даврда фойдаланиб бўлинган ва ишлаб берилган):

– 7 январь шанбадан – 3 январь сешанбага;

– 11 март шанбадан – 20 март душанбага;

– 25 март шанба кунидан – 22 март чоршанбага.

Бундан кўриниб турибдики, эндиликда йил якунига қадар кўчирилган дам олиш кунлари бўлмайди. Байрам кунларига қўшимча дам олиш кунлари белгиланиб, мароқли ҳордиқ чиқариш имконияти яратилади.

БИЛАСИЗМИ?

Байрам кунлари ходимларни ишлатиш тақиқланади

Ходимларни байрам (ишланмайдиган) кунлари иш берувчининг фармойиши бўйича ишга жалб этишга фақатгина жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади.



Ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга қўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлагга йўл қўйилади.

Дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камидан икки ҳисса миқдоридан ҳақ тўланади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камидан 1 соатга қисқартирилади.

НИГОҲ

Ихтисослаштирилган мактабларга имтиҳонсиз қабул қилинадими?

– Фарзандим Президент мактаблари имтиҳонларига тайёргарлик кўрмоқда. Агар етарли балл тўплай олмаса, ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилиниши учун имтиёз берилган экан. Бунда фақатгина ўзимиз яшаётган ҳудуддаги ихтисослаштирилган мактабда ўқиш талаб қилинапти. Фарзандим эса вилоят марказидаги ИДУМда ўқишни хоҳлаяпти. Бу масалага ижобий ечим борми?

Нодира САИДОВА,
Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани.



Жўрабек ЖАНГИРОВ,
Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

– Рўйхати Агентлик томонидан тасдиқланган халқаро, минтақавий ёки асосий фан олимпиадаларининг учинчи (вилоят) босқичида ғолиб ва совриндор бўлган (1-, 2-, 3-ўринлар) умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари ўз ҳудудида жойлашган ихтисослаштирилган мактабларга умумий қабул параметрлари доирасида имтиҳонсиз ўқишга қабул қилинади.

Президент мактабларининг 5-синф кириш имтиҳонлари 2-босқичида иштирок этиб, ўқишга қира олмаган талабгорлар ҳужжат топшириш жараёнида ўз ҳудудидаги ўзлари танлаган ихтисослаштирилган мактаблардан бирида ўқиш истагини билдирган тақдирда квотанинг 50 фоизи доирасида баллар кетма-кетлиги асосида имтиҳонсиз мазкур ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилинади.


Бунда, талабгорлар Президент мактабига саралаш имтиҳонларининг иккинчи босқич жавоблари эълон қилинган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида ихтисослаштирилган мактаб директори номига ўқишга қабул қилишни сўраб ариза билан муурожаат этишлари лозим.

ТАЪЛИМ

Талаба тўлиқ ставкада ишлай оладими?

– Бугун кўпбал талабалар ўқишдан бўш вақтида бўлажак касб йўналиши бўйича ишляпти. Аммо уларнинг кўпчилиги 0,25 ставкада, нари борса 0,5 ставкада ишга қабул қилинади. Маҳалламиздаги ёшларнинг деярли 70 фоизи олий таълим муассасаларида таҳсил олади. Жумладан, ўғлим ҳам ўқиш билан бирга ўз йўналиши бўйича ишлайди. Бироқ 0,5 ставкада ишлагани боис маоши жуда кам чиқади. Айтинг-чи, талаба тўлиқ ставкада ишласа бўладими? Агар имкони бўлмаса, бир нечта жойда ишлай оладими?

Зебо ЖАББОРОВА,
Мирзо Улуғбек тумани «Дархон» маҳалласи ёшлар етакчиси.



Фаррух ФАЙЗИЕВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масул ходими:

– Талабалар фақат ўқишдан бўш вақтида ишлаши мумкин. Меҳнат кодексининг 115-моддасига мувофиқ, ходимнинг иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаслиги керак. Яъни 6 кунлик иш ҳафтаси жорий этилган ташкилотларда кунлик 7 соат, 5 кунлик иш ҳафтаси жорий этилганларда иш вақти кунлик 8 соатдан ортиқ бўлмаслиги шарт. Шунингдек, ишнинг туғаш билан кейинги кун иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас (128-модда). Агар юқоридаги қонун талабларига риоя этилса, талабанинг тўлиқ ставка ишлашига ҳеч қандай тақиқ йўқ. Бунда иш ўқишдан бўш вақтда бажарилиши шарт ва ушбу талаб меҳнат шартномасида мустаҳкамланиши лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган меҳнат қонунчилигидаги талабаларга риоя қилган ҳолда талаба ўқишдан бўш вақти асосий иш жойидан ташқари, бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ҳам ишлаши мумкин. Бунинг учун ўриндошлик асосида ишга кираётган жойга асосий иш жойидан маълумотнома тақдим қилинади. Агар талаба ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса, ўриндошлик

асосида ишлаши тақиқланади.

Таълим муассасаларида ўқиётган ходимларга ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун иш берувчи зарур шароитлар яратиб бериши шарт. Талабалар иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа кўпбал имтиёзларга эга.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасида иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари санаб ўтилган. Мазкур қонуннинг «е» бандига қўра, олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, катта илмий ходим-изланувчилар институтида, таянч докторантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади. Яъни ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига (эркаклар учун – 60, аёллар учун – 55 ёш) қадар камидан 7 йил иш стажига эга бўлсангиз, шундагина олий таълим муассасаларида ўқиган даврингиз иш стажига қўшиб ҳисобланади. Ногирон бўлиб ўлган шахслар стажига эса кўрсатиб қўйилган стаж муддатидан қатъи назар қўйилади.

ВАЗИЯТ

WWW.UZMAHALLA.UZ

МЕНДА САВОЛ БОР...

Собиқ маҳкумларга дастлабки моддий ёрдам миқдори қанча?

— Ҳаёт пасту баландликлардан иборат. Унда кимдир тўғри йўлни танлаб, ҳалол меҳнати ортидан саодатли умр кечирса, яна кимдир билиб-билмай хато қилади, жиноят кўчасига кириб, қонун олдида жавоб беради. Албатта, шунча йилдан сўнг озодликка чиққач, тезда жамоатчиликка сингишиб кетиш осон кечмайди. Бундан инсонларга ҳар томонлама мадад зарур бўлади. Шу боис бу йўлда қўни-қўшни, маҳалла фаоллари уларнинг энг биринчи тиргаги бўлиши лозим. Уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда, энг аввало, бандлигини таъминлаш муҳим саналади. Айтинг-чи, бу борада қонунчиликда қандай имтиёзлар бор? Собиқ маҳбусларга ёрдам пуллари бериладими?

Нигаргул ГОБЕНОВА, Нукус шаҳридаги «Олтин жағис» маҳалласи раиси.

Фаррух Жўраев,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Давлат раҳбарининг 2022 йил 29 июндаги «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган тегишли Низомга кўра, бундай тоифадаги фуқароларга «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тартиби ишлаб чиқилган.

Низомга асосан, ёрдам пули ҳар бир кўмак олувчига унинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш учун тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишлардаги лойиҳаларини амалга ошириш учун бир марта берилди. Унинг миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баравари — 9 млн. 200 минг сўми ташкил этади. Ёрдам пуллари ушбу масалани кўриб чиқувчи идорала-

раро доимий комиссияларнинг қарорлари асосида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали тақдим этилади. Кўмак олувчилар жазони ўтаб бўлганидан кейин 3 ой муддатда ишчи органга ўз лойиҳасини илова қилган ҳолда ариза беради. Қолаверса, лойиҳа билан биргаликда ёрдам пулини олиш йўналиши, қайси мақсадларда сарфланиши ҳамда лойиҳа натижаси бўйича кутилаётган таъминий даромад ҳақида маълумот тақдим этилади. Ариза ўн кун мобайнида ўрғаниб чиқилиб, лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан хулоса тайёрланади ҳамда ариза тасдиқланади.

Лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулосани тайёрлаш қўйидаги мезонларга асосланади:

- бошламоқчи бўлган фаолиятнинг натижадорлиги ва даромадли экани;
- маҳалла фуқаролар йиғинининг ижобий таъсияси;
- кам таъминланган ёки ёлғизлиги;
- қарамоғида ногиронлиги бўлган ёки вояга етмаган фарзанди борлиги;
- кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзанди борлиги ва моддий кўмакка муҳтожлиги;
- нотураж жойларда истиқомат қилаётгани.

Ишчи орган ёрдам пули берилган вақтдан бошлаб бир йил давомида кўмак олувчилар лойиҳасининг амалга оширилиши ҳолатини (шу жумладан, ёрдам пулининг мақсадли сарфланишини) ҳар чоракда бир марта мониторинг қилади.

Умуман олганда, «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети» собиқ маҳкумларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашади, уларга бошқалардек жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини аниглайди. Давлат бераётган ишончга муносиб бўлишга, ҳалол меҳнати, фидойилиги билан буни оқлашга шароит яратади. Зеро, атрофдагиларнинг ишончи, қўллаб-қувватлаши инсонга куч беради, шижоат бағишлайди.

Алимент пулини қайтариб олса бўладими?

— Маҳалламизда яшовчи фуқаро шаръий никоҳ асосида яшаган аёлдан бир фарзанд кўриб, унга фамилиясини берганди. Утган 8 йил давомида алимент пули тўлаб келди. Бироқ бола улғаявергач, отада шубҳа пайдо бўлиб, ДНК қилдирди. Буни қарангки, маҳалладошимиз боланинг биологик отаси эмаслиги исботланди. Эндилликда у шу вақтгача тўлаган алимент пулини қайтариб олмақчи. Айтинг-чи, бу вазиятда нима қилиш керак?

Н.СОБИРОВА, Юнусобод тумани «Собиробод» маҳалласи фаоли.

Баходир САИДУРДОВ,
Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси:

— Оила кодексига мувофиқ, алиментни қуйидаги ҳолатларда қайтариб олиш мумкин:

- алимент олувчи томонидан ёлғон маълумотлар бериш ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш оқибатида алимент ундириш тўғрисида чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;
- алимент олувчи томонидан алдаш, қўрқитиш ёки зўрлик таъсири остида тузилган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ҳақиқий эмас, деб топилганда;
- алимент тўлашишига асос бўлган суднинг ҳал қилув қарори, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёки ижро варақаси қалбақлиги факти суд ҳукми билан аниқланганда.

Муқаддам тўланган алимент пулини қайтариб олиш учун ижро иши бўйича қарздор алимент ундириш ҳақида суд ҳужжати чиқарган судга суд ҳужжатининг қайтарма ижроси масаласида ариза билан мурожаат қилиши лозим. Аризага алимент ундириш ҳақида чиқарилган суд ҳужжати, унинг ижроси юзасидан амалга оширил-

ган тўловлар миқдори ҳамда ушбу тўловларнинг амалга оширилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари, аризага асос қилиб келтирилаётган алимент олувчи томонидан ёлғон маълумотлар берилгани ёки қалбаки ҳужжатлар тақдим этилганини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Оила кодексининг 63-моддасига кўра, туғилиши ёзиш дафтаридаги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганини тасдиқловчи далил ҳисобланади. Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир.

Юқоридаги ҳолатда шахс оталикка эътироз келтириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилиб, низолашишга ҳақли. Ушбу даъво судда кўрилишида одам ДНКси билан мурожаат қилиши лозим. Аризага алимент ундириш ҳақида чиқарилган суд ҳужжати, унинг ижроси юзасидан амалга оширил-

МЕНДА САВОЛ БОР...

Озодликни чеклаш жазоси кимларга қўлланилади?

— Танишим қилган қилмиши учун айбаниб, жазога тортилди. Унга 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Яъни муайян вақт давомида яшаш ҳудудидан четга чиқиш тақиқланди. Айтинг-чи, озодликни чеклаш қандай жазо ва у кимларга нисбатан татбиқ этилади? Бу жазо даврида нималарни қилиш тақиқланади?

Нуриддин АЛИҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти Дехқонobod тумани.

Азиз ОБИДОВ,
Олий суд ахборот хизмати раҳбари:

— Озодликни чеклаш — суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат. Мазкур жазо тури бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Суд мазкур жазога ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек, унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Қўлланилаётган тақиқ (чеклаш) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклаш) ларни юклаши мумкин:

- муайян жойларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- муайян фаолият билан шуғулланмаслик;
- муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзига сақлашмаслик;
- транспорт воситасини бошқармаслик;
- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойи, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;
- муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;
- алоқа воситалари, шу жумладан, интернетдан фойдаланмаслик;
- алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юклаган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илғари тайинланган тақиқларни (чеклашлар) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Жорий йил биринчи чорагида 13 минг 907 нафар шахс судланган бўлса, уларнинг 3 минг 707 нафарига озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Бу жазо тури билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган шахсларни ўз оиласи ва жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашда фойда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Озодликни чеклаш жазоси ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, мамлакатимизда доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юклаган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илғари тайинланган тақиқларни (чеклашлар) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Жорий йил биринчи чорагида 13 минг 907 нафар шахс судланган бўлса, уларнинг 3 минг 707 нафарига озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Бу жазо тури билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган шахсларни ўз оиласи ва жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашда фойда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Озодликни чеклаш жазоси ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, мамлакатимизда доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Қайси дарахтлар табиат ёдгорлиги саналади?

Қонунчиликка кўра, хатлов ўтказишда 100 ёшдан ошган дарахтлар аниқланганда, уларни табиат ёдгорликлари сифатида муҳофазатга олиш учун алоҳида реестр юритилиши белгиланган.

Табиат ёдгорлиги деб эълон қилинган дарахтларни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ер эгалари билан биргаликда ушбу дарахтларнинг атрофи танасидан 1 метрдан кам бўлмаган масофада ва баландлиги 1 метр 20 сантиметр бўлган металл

панжара билан ўралишини таъминлаш керак. Шунингдек, ушбу дарахтлар тўғрисидаги давлат тили, рус ва инглиз тилларидаги (дарахтнинг номи, унинг ёши, реестр рақами, жойлашган манзили) маълумоти ўз ичига олган ёрлик металл панжарага осиб қўйилиши зарур.



«Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

«Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2023 йил ___ апрелдаги ФБ-2/ _____ -сонли хатига илова

«Ўзчармсаноат» уюшмаси Бошқарув йиғилишининг 2023 йил 25 апрелдаги 27-сонли йиғилиш баёни қарорига мувофиқ, 2023 йилнинг 8 май кунини соат 11:00 да «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзоларининг навбатдаги умумий йиғилиши видео конференц алоқа (ВКА) шаклида Тошкент шаҳри «Ўзчармсаноат» уюшмаси биносининг Анжуманлар залида (манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 109-уй) ўтказилади.

Умумий йиғилишнинг кун тартиби қуйидаги масалалардан иборат:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишида йиғилиш ўтказилади-ган жойга шахсан келиш ёки видео конференц алоқа (ВКА) тизимида уланган ҳолда иштирок этиши мумкинлигини маълумлаш тўғрисида.
3. 2023 йилда соҳага инвестицияларни жалб қилиши янада кенгайтириш, Ҳукумат томонидан белгиланган экспорт кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, ишлаб

чиқариш ҳажмларини ошириш ва маҳаллийлаштиришни кучайтириш тўғрисида.

4. Уюшма ижро этувчи аппаратининг ҳамда Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2022 йил учун йиллик ҳисоботларини кўриб чиқиш ва маълумлаш.
5. Уюшма ижро этувчи аппаратининг ҳамда Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2023 йил учун ҳаражатлар сметасини кўриб чиқиш ва маълумлаш.
6. «Ўзчармсаноат» уюшмасига аъзо корхона ва ташкилотларнинг

тўлов интизомини 2022 йилдаги маҳаллийлаштиришлари бўйича учинчи шахс кафилиги берилишини жорий этиш орқали 2023 йилда тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида.

7. «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ва аъзолардан чиқариш тартиби тўғрисида НИЗОМга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асосида янги тахририни тасдиқлаш.
8. «Ўзчармсаноат» уюшмаси марказий аппарати эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишда етказиб берувчиларни танлаш бўйича рақобат

танлови ва танлов савдоларини ўтказиш тартиби»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асосида янги тахририни тасдиқлаш.

9. Уюшма Кенгаши аъзоларини сайлаш.
10. Уюшма Бошқаруви аъзоларини тайинлаш.
11. Уюшма ижро этувчи аппарати тузилмасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда ушбу тузилмани янгидан тасдиқлаш.
12. Уюшма аъзолигига қабул қилиш шартномасининг намунавий шаклини янги тахрирда тасдиқлаш.

Умумий йиғилишда иштирок этувчилардан ўз паспортларини Санок комиссияси аъзоларига кўрсатишлари, агар вакил иштирок этадиган бўлса ушбу вакил номига юридик шахс номидан йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган Ишончномани Уюшманинг +99893 399 00 44 рақамли телеграмм канали орқали тақдим этишлари сўралади.

Йиғилиш иштирокчилари йиғилишга видео конференц алоқа (ВКА) тизимида уланган ҳолда қайта қўллашга тўқатиладиган жойга шахсан келиш орқали иштирок этишлари мумкин.

Йиғилиш иштирокчилари 2023 йил 8 май кунини соат 10:00дан 11:00 гача рўйхатга олинади.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон: 71 207 95 55 (ички 160).

«Туризм маҳалласи» мақомининг қандай талаб ва шартлари бор?


— «Mahalla» газетасининг 2023 йил 8 апрелдаги 14-сонида Навоий вилоятидаги Сентоб қишлоғига «Туризм қишлоғи» мақоми берилгани ва бу ерда амалга оширилган ишлар ҳақида мақола чоп этилди. Бизнинг маҳалламиз ҳам туризм манзилларидан бири саналади. Ҳар йили бу ерга юзлаб чет эллик ва маҳаллий сайёҳлар ташриф буюради. Худудда меҳмон ўйлари, зарур инфратузилма шакллантириляпти. Айтинг-чи, биз ҳам «Туризм маҳалласи» мақомини олишимиз мумкинми? Унинг қандай шартлари бор?

Музаффар ИСОКУЛОВ,
Тойлоқ тумани «Ворсин» маҳалласи раиси.

Субҳия МИРКОМИЛОВА,
«Туристик хизматларни сертифицирлаш маркази» давлат унитар корхонаси директори уринбосари:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан «Фуқаролар йиғинларига «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи» ва «Туризм овули» мақомини бериш тартиби тўғри-

сида»ги Низом тасдиқланган. Мазкур Низомга кўра, фуқаролар йиғини «Туризм маҳалласи» мақомини олиши учун бир қатор талаблар ва шартларга жавоб бериши лозим. Жумладан, маҳаллада камида 20 та оилавий меҳмон уйлари мавжуд бўлиши, туристларга камида 5 та сифатли туристик хизматлар тақдим этилиши, эсдалик совғаларини (камида битта савдо нуқтаси) сотиш шохобчалари бўлиши, маҳалла экологик (геотуризм), агротуризм (қишлоқ), этнографик, маданий ва тарихий туризм



ТУРИЗМ

йўналишларидан бирига мос келиши зарур. Қолаверса, қўшимча кўнгилочар шарт-шароитлар (отлар, туялар, велосипедлар, квадроцикллар, қайиқлар, катамаранлар ва бошқалар ижраси), зарур инфратузилма (автомобиль ўйлари, транспорт алоқаси, алоқа воситалари, ичимлик суви, электр энергияси, Интернет, совуқ мавсумда иситиш тизими) мавжудлиги, йил давомида туризм хизматларини кўрсатиш имкониятининг борлиги, зарур кўрсаткичлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида бўлиши,

биринчи табиий ёрдам кўрсатиш, оилавий меҳмон уйлари олдидан брон қилиш имконияти борлиги ва ҳоказолар бўлиши лозим. «Туризм маҳалласи» мақомини олиш учун фуқаролар йиғинининг исталган фуқароси ёки маҳалла раиси Маданият ва туризм вазирлиги қошидаги «Туристик хизматларни сертифицирлаш маркази» давлат унитар корхонасига ариза билан мурожаат қилади. Марказ тақдим этилган ҳужжатларни беш иш кунини ичида кўриб чиқиб, вазирликка юборади. Вазирликда махсус

комиссия тузилади. Комиссия ўн беш иш кунини ичида фуқаролар йиғини Низом талаблари ва шартларига жавоб бериши ёки бермаслиги ҳақидаги хулоса тайёрлайди. Шу асосда маҳаллага туризм мақомини бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Айтиш керакки, «Туризм маҳалласи» мақомини олган фуқаролар йиғинлари «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларига биринчи навбатда киритилади. Туристларга бепул хизмат кўрсатадиган аҳоли ва ходимлар туристларга

хизмат кўрсатишнинг замонавий услубларига мувофиқ ўқитилади. Фуқаролар йиғини худуди оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бепул тарғиб қилинади. Маҳалланинг гўзал обьектлари тўғрисидаги материаллар (рисолалар, буклетлар, флаерлар ва бошқалар) бепул нашр этилади ҳамда хорижий ва маҳаллий сайёҳлик кўргазмаларида намойиш этилади. «Туризм маҳалласи» мақомини олган фуқаролар йиғини вилоятнинг туристик йўналишларига биринчи навбатда киритилади.

САЛОМАТЛИК

Турли «каша»лар она суги ўрнини боса олмайди

— Кун кеча маҳалладаги дўкандан 3 ойлик фарзандимга «каша» олаётганимда, ёнимга ўрта ёшлардаги аён келиб «фарзандингиз ҳали ёш бўлса, уни сунъий овқатлар билан озиқлантирманг. Ҳар хил касалликларга сабаб бўлиши мумкинлигини айтиб қолди. Шу-шу бўлдию ичимга ғул-ғула тушди. Узимча интернетдан «каша»лар ҳақидаги бор маълумотлар билан танишиб чиқдим. Лекин ўрганган маълумотларим кўнглимга таскин бермади. Барибир ҳаёлимнинг бир четида ғашлик қолаверди. Ҳўш, фарзандларимизни сунъий «каша»лар билан озиқлантириш гўдакнинг соғлом улғайишига қандай таъсир қилади? Она суги ўрнини босувчи махсулотлар турли касалликларни келтириб чиқармайдими?



Айнур КУЛКАНОВА, Томди тумани «Аяққудук» маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Динара ДЎСТМУҲАММЕДОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим бошлиғи:

— Чақалоқни кўрак суги билан боқиш эрта ёшдаги болаларда учрайдиган аксарият касалликларнинг олдини олишда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Эмизикли гўдаклар 6 ойлик бўлгунча озукага бўлган эҳтиёжини она суги ҳисобига қоплайди. У бу ёшдаги болаларнинг ривожланишини таъминловчи энг яхши таом ҳисобланади. Она сугида эса микроблар тушиш эҳтимоли йўқ, доимо янги, ҳарорати 36-37 даражада бўлиб, бола танаси ҳароратига яқин, ошқозонга аста-секин ва оз-оздан тушади ва

кичкинтой танасига таомнинг таркибий қисми тўла ҳолда парчаланмай сурилади. Бундан ташқари, она сугида чақалоқнинг дастлабки ойларида айрим юқумли касалликлардан ҳимояловчи, иммун таначалар ҳамда ҳазм жараёнини яхшиловчи ферментлар мавжуд. Шу сабабли бу бебаҳо неъмат билан улғайган болалар ҳар томонлама яхши ривожланади. Рахит, камқонлик касаллиги, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши каби хасталиклар деярли кузатилмайди. Зотилжам билан эса камдан кам ҳоллардагина оғрийдилар. Аммо бола 6 ойга тўлгач, ўсаётган тана эҳтиёжлари она суги томонидан тўлақонли қопланмайди ва белгиланган тартибда қўшимча овқатлантиришга тўғри келади.

БИЛАСИЗМИ?

Аёллар бандлиги маҳалада таъминланади

Хукуматнинг 2022 йил 8 ноябрдаги тегишли қарори билан Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари тўғрисида Низом тасдиқланган. Низомга кўра, маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари ҳар бир маҳаллада ташкил этилади ва юридик шахс ҳисобланмайди.

Иномжон ЖАҲОНОВ,
Китоб тумани Давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи.

Марказларда битта ижтимоий лойиҳа доирасида 20 нафаргача хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида бандлиги таъминланадиган ҳар бир нафар ишсиз хотин-қиз учун тадбиркорларга 3 миллион сўмгача давлат гранти ажратилади. Давлат гранти куйидаги тоифадаги хотин-қизларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашига қаратилган лойиҳалар учун ажратилади: ✓ «Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига», шунингдек «Аёл-

лар дафтари»га киритилган; ✓ ишсиз, айниқса, қишлоқ жойларда бола тарбияси билан шуғулланаётган; ✓ хорижий меҳнат миграциясидан қайтиб келган; ✓ ногиронлиги бўлган меҳнатга лаёқатли ишсиз; ✓ норасмий бандликни қисқарттириш мақсадида кундалик меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, даромад топаётган; ✓ одам савдосидан ҳамда таъйин ва зўравонликдан жабр кўрган, мушкул иқтисодий аҳволга тушиб қолган; ✓ умумий ўрта ва профессионал таълим муассасаларини тугатган, ОТМга ўқишга кира олмаган ёки олий таълимда



ўқиш учун имконияти бўлмаган ишсиз хотин-қизлар; ✓ муқаддам жиноий жавобгарликка тортилган, профилактик рўйхатга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган хотин-қизлар.

ХОЛАТ

«Пулларимни «яроқсиз», деб қабул қилишмаяпти...»

— Кўп ҳолларда қандайдир эҳтиётсизлик сабаб пулларимиз йиртилиб, ёғимланиб қолади. Сўнгра уларни кимга узатманг, қаерга борманг, ҳеч ким олмайди. Кун кеча ўзимда ҳам шундай ҳолат юз берди. Маҳалламиз марказидаги дўкандан ул-бул харид қилиб, пулни тўладим. Бундан қарангки, сотувчи йиғит «пулингиз анча уриниб қолибди, бошқасига олиштириб беринг» дея берган пулларимнинг ярмини қўлимга тутқазди. Ноилж ўрнига бошқасини бердим. Шу-шу бўлдию ана ўша банкнотларни ҳеч қаерда ишлата олмайдим. Кимга берсам, «пулингиз уриниб қолган, бошқасига алмаштириб беринг» дейди. Ҳўш, ўзи қандай пуллар ва қандай ҳолатдаги пуллар яроқсиз ҳисобланади? Бундай пулларни банкларда алмаштириш имкони борми?



Элёр РАУПОВ, Паркент туманидаги «Чашма» маҳалласи раиси.

Фазлиддин БОЗОРОВ,
Марказий банкнинг Нақд пул муомаласи департаменти директори:

— Ҳар қандай қисмида тешик ёки йиртилишлар, сийқаланишлар, ёғимланган, доғлар теккан, (қалам, сиёҳ ва фломастер бўёғи теккан) ёзувлари мавжуд бўлган пулларнинг барчаси яроқли ҳисобланади. Елимланган банкнот қисмлари битта банкнотга тегишли бўлса, яъни серия, рақамлари бир хил бўлганда яроқли пул сифатида тўловга қабул қилиниши лозим.

Айрим ҳолларда бир хил номиналдаги, бироқ иккита банкнотнинг қисмларини бир-бирига елимланганини учратишимиз мумкин. Яъни банкнот қисмларидаги серия, рақамлар турлича бўлади. Бундай банкнотларнинг ҳар икки қисми алоҳида олинганда, банкнотнинг умумий юзасининг 55 фоизидан кам бўлса тўловга яроқли деб топилади. Аксинча бўлса, қабул қилинади. Шунингдек, бўёқ моддалари ва кислота тўқилган, табиий ранги ўзгарган, куйган, бўлган ёки чизилган пуллар ҳам яроқ-

ли ҳисобланади. Агар банкнот юқорида айтиб ўтилган «тўловга яроқсиз» пул тоифасига мансуб бўлмаса, уларни банкларда ҳеч қандай муаммосиз алмаштириб олиш мумкин. Бунда банк кассалари орқали шикастланган, эскирган банкнотлар қабул қилиниб, банкнотнинг умумий сўммасига тенг бўлган миқдорда яроқли бўлган банкнотлар билан алмаштириб берилади. «эскирган» пуллар банкларда қабул қилинган, уларнинг қайта муомаласи чикарилишига йўл қўйилмайди.

Mahalla Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МУАССИС: «Mahalla» nashriyot-matbaa uy) МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Ижодий гуруҳ:
**Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Мансурбек ЖАББОРОВ**
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоסי келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Улчами – 350х600, 2 босма табоқ, 8 450 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-418